

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2026 йил
3 июль,
жума
№ 25
(1111)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГРУЗИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 июль кuni давлат таширфи билан Тбилиси шаҳрига келди.

Шота Руставели номидаги халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Грузия Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мака Бочоришвили ҳамда бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Сўнг Тбилиси шаҳрида Грузия Президентининг қароргоҳи – Орбелиани саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Грузия Президенти Михаил Кавелашвили самимий қарши олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига қароргоҳ олдидаги майдонда икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кўтладилар.

Грузияга давлат ташрифи доирасида Тбилиси шаҳридаги Орбе-

лиани саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Грузия Президенти Михаил Кавелашвилининг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон – Грузия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Грузия Президентига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, ушбу мамлакатга давлат ташрифи сўнгги 23 йилда илк бор амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлар, ҳукуматлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 270 миллион долларга етди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда Грузиянинг биринчи рақамли банки – “ТВС” муваффақиятли фаолият юритмоқда. Тошкент билан Тбилиси ва Батуми шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон пойтахтида Грузия маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажмини, жумладан, Поти ва Батуми портлари салоҳиятидан самарали фойда-

ланиш орқали янада ошириш масалаларига устувор эътибор қаратилди.

Фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, энергетика, рақамли технологиялар ва туризм соҳаларида кооперацияни ривожлантириш учун имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Ишбилармонлик, туристик ва гуманитар алмашинувларни йўлга қўйиш учун ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида Шавкат Мирзиёев Михаил Кавелашвилини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Тбилиси шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Грузиянинг олий давлат мукофоти – “Олтин мўйна” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон – Грузия кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун давлатимиз раҳбарига ушбу мукофотни Грузия Президенти Михаил Кавелашвили топширди.

Ўзбекистон етакчиси Грузия Президенти Михаил Кавелашвили, Бош вазири Ираклий Кобахидзе ҳамда Парламент Раиси Шалва Папуашвилига юксак мукофот учун

миннатдорлик билдириб, дўст Грузия халқига тинчлик, фаровонлик ва равақ тилади.

1998 йилда таъсис этилган “Олтин мўйна” ордени мамлакатнинг олий давлат мукофотларидан бири бўлиб, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда грузин маданияти, илм-фани ва санъатини тарғиб этиш борасидаги алоҳида хизматлар учун берилади.

Орденнинг номи Олтин мўйна ҳақидаги қадимги юнон афсонаси ҳамда ҳозирги Грузия ҳудудида жойлашган тарихий ўлка – Колхида билан боғлиқ.

Турли йилларда мазкур юксак мукофот билан Буюк Британия Қироличаси Елизавета II, Иордания Подшоҳи Абдулла II, Германия Канцлери Герхард Шрёдер, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев ва бошқалар тақдирланган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Орбелиани саройининг Фахрий меҳмонлар китобида самимий тилакларини ёзиб қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Моҳият

ЯНГИ ҚОНУН:

СУД МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Мамлакатимизда амалга оширилаётган қамровдор ислохотлар доирасида, жумладан, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Инсон қадри, инсонпарварлик, адолатпарварлик тамойиллари айна ўзгаришларнинг бош ғоясига айланган.



Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши курашиш
қўмитаси аъзоси

Суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш, фуқароларнинг адолатли судга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Конституциявий ислохот-

(Давоми 3-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими фахрий унвонини таъсис этиш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги фаол иштирокчини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Парламент фаолияти



Саноат хавфсизлиги талаблари кучайтирилади

Депутатлар томонидан саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, янги саноат тармоқларининг ривожланиши, юқори хавф даражасига эга технологияларнинг амалиётга жорий этилиши соҳадаги қонунчиликни янада такомиллашти-

риш заруратини юзага келтирмоқда. Ўтган даврда содир бўлган авариялар ва бахтсиз ҳодисалар таҳлили эса, хавфсизлик чораларини кучайтириш, соҳада фаолият юритаётган субъектларнинг масъулиятини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган превентив чораларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

Ёшларга ишонч – мамлакат келажагига сармоя



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ёшлар кунида мамлакатимиз навқирон авлоди вакиллари билан ўтказган очик мулоқоти ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиққан муҳим воқеа бўлди.

(Давоми 2-бетда) ►

Долзарб мавзу

Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Давлатимиз раҳбари томонидан 2026 йил 22 июнда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга, коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланди.

(Давоми 2-бетда) ►



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Кўнглим жойига тушгандек бўлади шу билан. Аммо-лекин, Раҳимбек, сиз тўғри айтган экансиз, состав Барнаулга кетаётгани рост экану, лекин йўлда бир коннинг ичида тўхташи керак экан.

Кўмир ортиши керак экан. Икки-уч кун турганимиздан кейин очик вагонларга экскаватор билан кўмир орта бошлашди. Экскаватор ҳар чўмичини вагонга ташлаганда, қора куюн кўтарилиб, ҳаммаёқни қоронғилик босади.

(Давоми 4-бетда) ►

Гиёҳвандлик фақат бир шахснинг соғлиғига эмас, балки оила, маҳалла, жамият хавфсизлиги ва миллат генофондида таҳдид солади-ган оғир ижтимоий иллатдир. Бу иллат инсонни ҳалол меҳнатдан, илмдан, оиладан ва охир-оқибат ҳаёт неъматидан ҳам батамом маҳрум қилади.

Қонун шарҳи

Гиёҳвандлик – умр заволи

бу хавфли иллатга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари тубдан такомиллаштирилмоқда

Шу боис, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки бутун жамиятнинг масъулиятли вазифасидир.

Президентимиз томонидан 2026 йил 11 июнда имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашишга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун айнаи шу мақсадга қаратилган.

(Давоми 2-бетда) ►



Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун ҳужжатларига саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳаларида давлат назорати тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Жиноят кодексида саноат хавфсизлиги талабларини бузганлик баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига, одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган тақдирда, бунинг учун жавобгарлиқни назарда тутувчи нормалар киритилмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида эса, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларни бузиш учун жа-

вобгарлик белгиланмоқда.

Шу билан бирга, бир қанча қонунларга тегишли соҳалардаги органларнинг ваколатлари, ҳуқуқий мақоми аниқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида атом энергиясидан фойдаланиш, радиация ва ядровий хавфсизлиқни таъминлаш билан боғлиқ қоидаларни бузганлик учун юридик шахсларга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш мезонини ҳам назарда тутилмоқда. Бу эса, соҳада фаолият кўрсатувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш, улар томонидан хавфсизлик талабларига риоя этилишини кучайтиришга хизмат қилади.

Баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвони таъсис этилмоқда

Кун тартибидagi навбатдаги масала — “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвонини таъсис этишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.


Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади — коммунал хўжалиги ходимларининг кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнатини эътироф этиш, уларнинг жамиятдаги нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳада юқори касбий маданият, масъулият ва фидойиликни рағбатлантиришдан иборат.

Қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республика-

сида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим” фахрий унвони негизида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган коммунал хўжалиги ходими” фахрий унвони таъсис этилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ходимларнинг касбий фаолиятини муносиб қўллаб-қувватлаш, ёш ва малакали кадрларни соҳага жалб этиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда коммунал хўжалиги тизимида хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



Халқаро меҳнат стандартлари жорий этилади

Бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан ишлаб чиқилган — “Халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон кадрини улуғлаш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат муносабатларини халқаро стандартлар асосида модернизация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги ҳамда ҳар қандай камситишга йўл қўймаслик принциплари мустаҳкамлангани бу борадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини янада кучайтирди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг 111-сонли Конвенцияси нормаларини миллий қонун-

чиликка изчил жорий этишга қаратилган. Унга кўра, Меҳнат кодекси меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш белгилари қатори “терисининг ранги” ва “сиёсий қарашлар” тушунчалари билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, меҳнат муносабатларида инсон шаъни ва қадр-қимматини таъминлаш, иш жойларида шахвоний шилқимликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Меҳнат кодексини меҳнат ва машғулотлар соҳасида шахвоний шилқимликка йўл қўймасликка оид янги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

Маъмур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг меҳнат ҳамда ҳар қандай камситишга йўл қўймаслик принциплари мустаҳкамлангани бу борадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асосини янада кучайтирди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг 111-сонли Конвенцияси нормаларини миллий қонун-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мулоқот давомида таълим, бандлик, тадбиркорлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларида илгари сурилган янги ташаббуслар инсон капиталига сармоя киритиш мамлакат тараққиётининг устувор йўналиши эканини яна бир бор тасдиқлади. Бу ташаббуслар нафақат бугунги кун вазибаларига, балки Янги Ўзбекистоннинг узоқ мuddатли ривожланиш стратегиясига ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳозирги вақтда давлатларнинг рақобатбардошлиги табиий бойликлар ёки ҳудудлар билан эмас, аввало билимми, ташаббускор ва замонавий кўникмаларга эга инсонлар билан баҳоланмоқда. Шу боис, мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, муносиб ишга жойлашиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши ва ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун яратилаётган шароитлар иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда.

Президентимиз томонидан эълон қилинган энг муҳим янгиликлардан бири олий таълим муассасаси битирувчиларини ишга қабул қилган тадбиркорлар учун даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг бир йил давомида 1 фоиз этиб белгиланишидир.

Меҳнат бозорида узоқ йиллар давомида сақланиб келган асосий муаммолардан бири – иш тажрибасига

Очиқ мулоқотда ҳаётда муайян қийинчиликларга дуч келган ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда ижтимоий реестрга кирмаган, аммо ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ҳарбий хизмат, меҳнат миграцияси ва жазони ўтаб қайтган, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган 1 миллион нафар ёш билан

гиланмоқда. Бу эса, фаол талабаларни жамият ҳаётидаги ижтимоий масъулиятни янада чуқур ҳис этишга ундайди.

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар алоҳида аҳамиятга эга. Бугун савдо, сервис ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўз брендига эга бўлган минглаб ёшлар фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари ана

Жамиятимиз мақсади



Ёшларга ишонч — мамлакат келажағига сармоя

ишлашнинг янги тизими жорий этиладиган бўлди.

Шу мақсадда амалга оши-

шу ёшларни ўз тажрибасини бошқа ёшлар билан бўлишига, уларни тадбиркорлик-

сида тадбиркорлик маданиятининг кенгайишига ҳам турки беради.

Шу мақсадда “Ёшлар мени-франшизаси” дастури йўлга қўйилади. Франшиза модели ёш тадбиркорларга тайёр бизнес тажрибасидан фойдаланиш, бозорга тезроқ кириб келиш ва таваккалчиликни камайтириш имконини беради.

Бунинг самаралари маҳаллий брендлар ривожланиши,

ички бозорда рақобат муҳитининг кучайиши ва янги иш ўринлари яратилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий брендлар франшизасини оладиган йигит-қизларга Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси ҳисобидан 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилиши ҳам муҳим иқтисодий рағбатдир. Бундай молиявий қўллаб-қувватлаш ёшларнинг бизнес бошлашдаги дастлабки харажатларини камайтиради, уларнинг ташаббусларини

Маҳаллий брендлар франшизасини оладиган йигит-қизларга Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси ҳисобидан 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилиши ҳам муҳим иқтисодий рағбатдир. Бундай молиявий қўллаб-қувватлаш ёшларнинг бизнес бошлашдаги дастлабки харажатларини камайтиради, уларнинг ташаббусларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

эга бўлмаган ёшларни ишга қабул қилиш масаласи эди. Янги солиқ механизми айнан шу муаммони иқтисодий рағбат орқали ҳал қилишга қаратилган.

Маъмур қарор олий ўқув юртларининг қарийб 200 минг нафар битирувчисини ишга қабул қилган тадбиркорлар учун қўшимча имконият яратади. Бу эса, иш берувчиларнинг ёш кадрларга бўлган қизиқишини ошириш, битирувчиларнинг биринчи иш жойига эга бўлиш имкониятини кенгайтириш ва меҳнат бозорига янги малакали мутахассисларни жалб қилишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай ёндашув хусусий секторнинг фаоллигини оширади. Шу орқали барқарор бандлик ҳам таъминланади.

риладиган “Кафолатланган биринчи қадам” пакети ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва меҳнат бозорига кириб келишини қўллаб-қувватлайди. Бу ерда асосий эътибор вақтинчалик ёрдам беришга эмас, балки ҳар бир ёшнинг мустақил ҳаёт қуриши учун зарур имкониятларни яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маъмур тизим доирасида жорий этиладиган “Устоз-талаба” дастури ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Уюлмаган ёшларни таълимга жалб этиб, уларнинг олий таълим муассасасига киришига кўмаклашган талабаларга магистратурага қабул қилишда қўшимча балл берилиши ҳамда давлат стипендияларини олишда устуворлик яратилиши бел-

ка жалб қилишга ҳақирди. Бу нафақат янги бизнеснинг кенгайишига, балки ёшлар ўрта-



Долзарб мавзу

Коррупцияга қарши курашишда оммавий

малар ходимларининг хавфсизлик кафолатлари ўрнатилди.

Олтинчидан, комплаенс тузилмалари барча давлат органларида ташкил этилади. Шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини олиб борувчи тузилмаларнинг ўзида ҳам комплаенс назорати тизими олиб борилади.

Еттинчидан, комплаенс тузилмаларининг бутун фаолияти Президент Администрациясининг Комплаенс хизмати томонидан мувофиқлаштирилади.

Саккизинчидан, 5 турдаги коррупциявий жиноят учун жазодан мuddатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қоидалари қўлланилмаслиги белгиланди. Бу ўринда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш; фирибгарлик учун ҳукм қилинган ва етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопламаганлик; тақроран ёки хавфли рецидивист бўла туриб ёхуд жуда кўп миқдорда пора олиш; пора бериш; пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан юқоридagi енгилликлар қўлланилмаслиги ҳақида сўз бормоқда.

Тўққизинчидан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига ҳар бир давлат органи ва ташкилотлари, ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупция-

вий хавф-хатарлар харитасини шакллантириш вазифаси юклатилди. Унда ҳар бир йўналиш бўйича жиноятчилик статистикаси, амалиёт таҳлили, аҳолининг муносабати, коррупцияга қарши курашиш сиёсати самарадорлиги каби маълумотлар акс эттирилади.

Ўнинчидан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш, ҳудудий кенгашларнинг мақоми ва вазибалари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига 8 та янги вазифа белгиланди. Шу тариқа мамлакатимизда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш бўйича ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш каби устувор вазифалар қонуний асосда мустаҳкамланди.

Журналистларнинг ушбу янги қонун талабларини ҳаётга кенг ва тўлиқ татбиқ этишдаги иштироки бевосита ва билвосита миқёсларда фаол намоён бўлиши фарз қарзидир. Негаки, журналистлар, оммавий ахборот воситалари ва улар мансуб бўлган фуқаролик жамияти коррупцияга қарши курашишда назоратчи, фoш этувчи ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи асосий кучдир.

Бинобарин, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунинг

15-моддаси “Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши” деб номланган. Ушбу моддага кўра, оммавий ахборот воситалари:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;
 - коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади, шу жумладан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;
 - коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
 - коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.
- Шу ҳуқуқий негизга таяниб, оммавий ахборот воситалари ва журналистлар тимсолидаги улкан ижтимоий куч-қудрат яширин коррупциявий схемалар, манфаатлар тўқнашуви ва бюджет маблағларининг талон-торож қилинишини аниқлаб, оммага ошкор қилиш орқали давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга яқиндан кўмаклашади.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қонун билан гиёҳвандликка қарши курашиш соҳасида жавобгарлик чораларини аниқлаштириш ва кучайтиришга оид муҳим ҳуқуқий механизм белгилаб берилди.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан Жиноят кодексида янги жиноят таркиблари билан боғлиқ муҳим ўзгартишлар киритилмоқда. Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ махсус қонун ҳужжатларида ҳам мувофиқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди.

Бунинг эътиборли жиҳати шундаки, Жиноят кодексининг XIX боби “**Аҳоли саломатлиги ва генофондига қарши жиноятлар**” йўналишида тақомиллаштирилмоқда. Бундай ёндашув гиёҳвандликка қарши курашиш фақат жиноятчиликни жиловлash эмас, балки аҳоли саломатлиги, ёшлар келажаги ва миллий генофондни ҳимоя қилиш масаласи ҳам эканини кўрсатади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 276¹³-моддасидан 276¹³-моддасигача янги нормалар билан тўлдирилмоқда. Жумладан, кодекснинг 276¹-моддаси “**Ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш**”, 276²-модда “**Бангхизона ташкил қилиш ёки сақлаш**”, 276³-модда “**Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёки кучли таъсир қилувчи моддалар**

вандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш мақсадида, ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш алоҳида жиноят сифатида белгилангандир.

Бундай қилмиш учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси на-

да жиноят ўчоғи сифатида белгилаш амалиёт учун ҳам, профилактика учун ҳам муҳим қадамдир.

БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси – UNODC маълумотларига кўра, 2023 йилда дунё бўйича 316 миллион нафар киши алкоголь ва тамакидан ташқари гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилган.

оғир жиноят эмас, балки жаҳон соғлиқни сақлаш тизими учун катта хавф эканини англатади.

Айтиш керакки, янги қонун билан бангхизона ташкил қилиш ёки сақлаш учун ҳам жавобгарлик аниқ белгиланди. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни



■ ■ ■ Қонун шарҳи

Гиёҳвандлик – УМР ЗАВОЛИ бу хавфли иллатга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари тубдан тақомиллаштирилмоқда

зарда тутилган. Агар жиноят такроран, бир гуруҳ шахслар томонидан, кўп миқдорда ёки бошқа оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса, жавобгарлик янада кучайтирилади.

Нарколаборатория оддий сақлаш жойи эмас, балки гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлаш, қайта ишлаш ёки

Бу 15–64 ёшдаги дунё аҳолисининг 6 фоизини ташкил этади. Энг кўп истеъмол қилинган гиёҳвандлик моддаси каннабис бўлиб, ундан 244 миллион киши фойдаланган. Ундан кейин опиоидлар – 61 миллион, амфетаминлар – 30,7 миллион, кокаин – 25 миллион ва экстази – 21 миллион киши қайд этилган.

Гиёҳвандликнинг энг фо-

истеъмол қилиш ёхуд тарқатиш мақсадида, махсус жой ташкил этган ёки сақлаган шахслар 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Ушбу норма бундай жойларнинг ижтимоий хавфини тўғри баҳолайди. Чунки бангхизона фақат истеъмол жойи эмас, балки янги истеъмолчиларни жалб қилиш, гиёҳвандликни тарқатиш ва жинoий муҳитни шакллантириш нуқтасидир.

Шунингдек, янги қонунда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига ҳомийлик қилиш учун ҳам алоҳида жинoий жавобгарлик белгиланган. Бундай ҳаракатлар учун 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши мумкин.

Бу муҳим янгилқидир, чунки наркoжиноятчилик, одатда, фақат сотувчи ва харидордан иборат эмас. Унинг ортида молиялаштирувчи, жой билан таъминловчи, ташишга кўмаклашувчи, алоқа ўрнатувчи ва жинoий фаолиятни яширин бошқарувчи шахслар ҳам туради.

нинг ноқонуний муомаласига ҳомийлик қилиш” каби нормалар билан тўлдирилди.

Бу нормалар наркoжиноятчилик занжирининг фақат соатиш ёки истеъмол босқичини эмас, балки ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, тарғиб қилиш, ҳомийлик қилиш ва вояга етмаганларни жалб этиш каби хавфли кўринишларини ҳам қамраб олади.

Янги қонундаги энг муҳим янгилқиларидан бири – гиёҳ-

кимёвий синтез қилишга хизмат қиладиган яширин жинoий марказдир.

Бундай нарколабораторияда тайёрланган моддаларнинг таркиби кўпинча номаълум бўлади. Уларнинг инсон организмга салбий таъсирини олдиндан аниқлаб бўлмайди, бир марталик истеъмол ҳам оғир заҳарланиш, руҳий бузилиш, қарамлик ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Шунинг учун нарколабораторияни алоҳи-

жиали оқибати – ўлим. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда, тахминан, 600 минг ўлим гиёҳвандлик моддалари истеъмоли билан боғлиқ бўлиб, шуларнинг қарийб 450 мингги опиоидлар “ҳиссаси”га тўғри келади.

Бугунги кунда дунё бўйисиз, бундай ҳолатларга барҳам бериш ва жазо муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашадди.

ахборот воситаларининг ўрни

Бунинг учун журналистлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг журналист текшируви ўтказиш ҳуқуқи қонуний кафолатлаб қўйилган. Яъни «**Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, «Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга».

Айни чоғда, журналист коррупция ҳақида материал тайёрлаётганда айбисизлик презумпцияси принципи-га амал қилиши, шахсининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши лoзим. У ўзи тайёрлаётган материалларининг ҳаққонийлигини текшириши ва ҳолис ахборот тақдим этиши шарт. Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда, масалан, таъмагирлик, товланмачилик ёки бирor амалдорга таъсир ўтказиш учун фойдаланиши қатъян ман этилади.

Буларнинг барчаси – амалдаги қонунчиликда муҳрланган мажбуриятлардир. Журналист коррупцияни ёритишда ҳолислик ва ҳалолликни таъминлаш мақсадида, нафақат ушбу мажбуриятларга, айни чоғда, Журналистларнинг миллий касб этикаси кодекси талабларига ҳам риоя қилиши шарт.

Табийки, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ахборот ма-

конида тегишли муҳит яратиши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Бундай муҳит коррупцияга нисбатан жамиятда мурoсасизлик ҳиссини шакллантиради.

Бунда, айниқса, журналистларнинг ахборот тарқатиш фаолияти алоҳида ўрин тутати. Жамиятнинг коррупция ҳолатлари ҳақидаги тезкор ва ҳолис ахборот билан таъминланиши, шубҳасиз, бундай ҳолатларга барҳам бериш ва жазo муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашадди.

Қолаверса, оммавий ахборот воситалари жамият вакилларига эркин фикр билдириш учун платформа тақдим этади. Бошқача айтганда, оммавий ахборот воситалари фуқароларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш ва қонунбузарлиқлар ҳақида хабар бериш учун очик минбар вазифасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «**фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир**».

Конституциямизнинг 69-моддасида оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосий институти-ларидан бири сифатида конституциявий мақомга эгалиги кафолатлаб қўйилганини таъкидлаш лoзим.

ҳамда босимларнинг олдини олиш мақсадида, махсус ҳимоя ордерларини бериш тизими жорий этилмоқда. Бу тартиб “**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганларни ҳимоя қилиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда парламент палаталари муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизнинг 21-моддасига кўра, “Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинлиқларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинлиқлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт”.

Инсон, ҳалқ, давлат манфаатларига путур етказмаслик, демакки, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик – ҳар кимнинг инсоний фазилатлари, хусусан, ҳалоллиги билан бевосита боғлиқ. Ҳалолликнинг зидди – коррупция иллатидир. Зерo, коррупцияга қарши маданият шаклланмаган жамиятда адолатсизлик ва жиноятлар одат тусига айланади. Шу сабабли ҳам, ҳар бир демократик давлат ўз ривожланиш концепциясида ишбу иллатга қарши курашишга қаратилган қатъий чораларни белгилайди. Журналистлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бу борада жамият ва давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини ўтайди.

Ғулом МИРЗО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



◄(Бошланиши 1-бетда)


Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 136-моддасида “**Судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади**”, деган норма қатъий мустаҳкамланди. Шунингдек, “Судлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, унда судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари белгилаб қўйилди.

Айни чоғда, суд-тергов фаолиятига бевосита алоқаси бўлмаган шахслар томонидан ишларга аралашиш ҳолатлари ҳали ҳам барҳам топмаяпти. Таҳлилларга кўра, 2024 йилда судларга турли кўринишда босим ўтказиш билан боғлиқ 80 дан ортиқ ҳолат қайд этилган, 460 та ҳолатда судлар фаолияти обрўсизлан-тирилган. Ўтган 2025 йилда эса, 90 дан ортиқ ҳолатда судларга босим ўтказилган, 314 та ҳолатда судлар фао-

Мазкур янги қонун билан, биринчидан, Жиноят кодексига суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жинoий жавобгарлик чораларини аниқлаштирувчи; иккинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга суд биносида тартибни бузиш тарзида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилашни назарда tutувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

●Қонун кўмағи

Қимматга тушган МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК



Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, соҳа вакиллари эркин фаолият юритиши, ўз бизнесини янада кенгайтириш учун барча қулайлик ва шарт-шарoитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 4-бетда) ►

лияти обрўсизлантирилган.

Бу рақамлар – арзимас кўрсаткич эмас. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда:

- судларга ҳурматсизлик қилганлик, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш;

- одил судловни амалга ошириш борасидаги суд фаолиятига аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлишини белгилoвчи янги конституциявий норма-ни амалиётга жорий қилиш зарурияти юзага келмоқда.

Бинобарин, Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулла-нган “**Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун айнан ушбу бўшлиқларни тўлди-ришга қаратилган.

Мазкур янги қонун билан, **биринчидан**, Жиноят кодексига суд ишларини ҳал этишга аралашганлик учун жинoий жавобгарлик чораларини аниқлаштирувчи; **иккинчидан**, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга суд биносида тартибни бузиш тарзида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилашни назарда tutувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Янги қонунни ишлаб чиқиш жараёнида Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Беларусь ва бошқа қатор давлатларнинг жиноят ва маъмурий жавобгарликка оид қонунчилиги ўрганиб чиқилди. Таҳлиллларимиз хорижий тажрибада судга ҳурматсизлик ва одил судловга аралашиш учун жазo чоралари қатъий белгиланганини кўрсати-ди.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши келгусида суд мустақиллигининг асосий кафолатлари янада кучайтирилиши, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш ва одил судлов сифатини оши-ришга хизмат қиладди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Вагон ичи куяга тўлди. Жонивор керам бир пасда қорайиб, худди қора таппига ўхшаб қолди. Ўзимнинг ҳам ахволим танг, йўтал тутгани-тутган. Бир амаллаб бу азобдан ҳам қутулдим. Майли, керам қорайса, қораяр. Яна бир-иккита баргини олиб ташлан-са, оппоқ бўлади-қўяди. Кетяпмиз, кетяпмиз.

Бир куни кечаси тарақа-туруқ қилиб, состав тўхтади. Станция бўлса керак, ё етиб келдикмикан, деб суюниб кетдим. Вагондан тушиб, у ёқ-бу ёққа қарайман. Куп-қуруқ дашт. Рўпарада битта икки қаватли уй турибди, холос. Ҳеч ким кўринмайди. Олдинга ўтиб, машинистлардан суриштирай, десам, юриб кетиб қолса, нима қиламан? Турдим вагон олдида. Тонг отгандагина нима бўлганини билдим. Бошқа паровоз келиб, составни олиб кетиши керак экан. Хуллас, керамни шу ерда туширишга тўғри келди. То-залаганимиздан кейин икки вагон керамдан муштумдек-муштумдек тўрт қопча керам чикди. Бир ҳафта туриб, шу состав билан орқамга қайтдим. Оренбургда махсимни сотиб, пассажир поездига билет олдим. Мана шунча азоб-укубатлардан кейин бугун Тошкентга келиб турганим.

Қори почта дадамга кўзларини қанчалик шўх, беғам қилиб тикмасин, қаттиқ эзилганлиги бутун афт-ангоридан сезилиб турарди. Ҳикояларини тугатгунча холам ҳам бизнигига етиб келдилар. Ойим кимнидир жўнатган бўлсалар керак. Опам бориб келган бўлишлари ҳам мумкин.

Айвонда кўпчилик бўлиб ўтирганимиз таъсир қилдими, ё эрининг соғ-саломатлигини кўриб сеvindими, холам дадам ёнида ўтирган Қори поччанинг олдиларига бориб, елкаларига қоқдилар.

— Хайрият, омон экансиз! Адойи тамом бўлдим уч ой ичида.

— Омонман, Худога шукр, — Қори поччам ўринларидан туриб, янгидан холам билан қучоқлашиб кўришдилар. — Ўзинг қалайсан? Болалар?

Гап янгидан бошланди. Ойим янги овқатга уннай бошладилар. Ҳар ҳолда, опалари келди, уни алоҳида хур-



мат билан кутиб олиш керак. Имкони борида улар доим шундай қилардилар. Албатта, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермас эди. Молхонада иккита сигир, икки-учта қўй, йигирма-ўттизта товуқ бўлишига қарамай, кўп вақт бир маҳал иссиқ овқат қилинарди. Кўпинча кечқурун бўлгач, қуюқ овқат қилинарди. Ойимнинг бир яхши кўрган иборалари бор эди: «Жаз-буз» қилиб, бир нарса қовуриб қўя қолайлик», — дердилар. Шундай қилардилар ҳам. Нима овқат «жаз-буз» қилиш билан битади-қўяди? Картошка билан гўшт. Демак, жаркоп. Лекин бизнинг уйда дадамдан бошлаб ҳаммамиз, оймиларнинг ўзлари ҳам палов ошни яхши кўрардик.

Баъзан дадам эртaroқ келиб қолиб, ойим улардан нима қилишни сўрасалар, дадам ўз навбатида сўрардилар:

— Гуруч борми?

— Бор.

— Унда, ош-да!

Баъзида бир кунда икки-уч марта ош дамланарди.

Ойим ошнинг устаси эдилар, кейин у кишининг ошлари доим бир хил бўларди. Эсимни таниганимдан бери неча қанча марта у киши ўз қўллари билан қилган ошни еган бўлсам, бир марта ҳам бўш бўлиб қолганини ё гуручи тирик, ола-була бўлиб қолганини билмайман. Кафгирдан лаганга

ошлари сакраб тушарди, ҳар бир гуручи марвариддек ялт-ялт қиларди. Ҳали ҳам у кишининг ошларини егим келади. Қани энди Худонинг амри билан бу дунёда ҳам одамлар мангу яшасалар, ўлим билмасалар! Ўшанда оймидан қиладиган битта илтимосим — кўлларида ош ейиш бўларди.

Қори поччамнинг олис сафардан қайтишлари муносабати билан бизнигига келган холамлар учун ойм ош қилдилар. Иккинчи марта ўша куни ош едик. Холам ўшанда жуда хурсанд бўлиб кетдилар.

Мен холам бир жанжал кўтарсалар керак, Қори поччамни кўриб, деб ўйлаган эдим. Йўқ, аёл кишининг дилида нима бўлаётганини ҳеч қачон биллиб бўлмайди. Жанжал бўлгани йўқ. Бизнигида қолиб, эртасига нонуштадан сўнг эр-хотин худди ҳеч нарса бўлмагандек, ўз уйларига кетишди.

Мен холамларникида тез-тез бўлиб турардим. Ёш бола уйларида йўқлигиданми, (Файзулла, Фатхулла акамлар мендан икки баравар катта эдилар) ё ўзлари мени яхши кўришармиди, холам ҳам, Қори поччам ҳам мени бизнигига келишганида олиб кетишга интилишарди. Агар сизир-бузоқларнинг ем-хашаги, бардиси икки-уч кунга ет-гулик бўлса, ойм йўқ демасдилар.

Юқорида айтиб ўтдим, холам ҳам бувимларга ўхшаб чевар эдилар.

Бундан ташқари яхши пазанда ҳам эдилар. Уйларига келишимиз билан қорним тўқ бўлса ҳам, дарҳол менга у-бу тайёрлашга тушиб кетардилар. Бир пасда оғизда эриб кетадиган куймоқми, ё чети гуллик қатламами қилиб, кўярда-қўймай едирардилар. Кейин кўчага, болалар билан ўйнагани чикарардилар. У ердаги болаларнинг кўпи мени танирди. Ҳозир ҳам уларнинг баъзи, ҳаётлари билан салом-алигим, дўстлигим бор.

Ўйиндан тўйиб, қайтиб келганимда мени яна, албатта, биронта хурсандчилик кутиб турарди. Холам келгунимча чўнтакли иштонми, майками ё энги калта кўйлакми тикиб қўйган бўлардилар. Дарров кийиб кўрардим. Кичикроқ ё каттарoқ тикиб қўйган бўлсалар, дарҳол тузатишга киришардилар. Мен эса, янги кийимда, яна кўчага отланардим.

Холамларнинг ҳовлилари Гулистонда эди. Чақар билан Бешёғоч ўртасида шундай маҳалла ва трамвай бекати бор эди. Бу маҳалла Олмазор маҳалласи, Муқимий номидида театр биносининг орқасидан Қоратошгача борарди. Лекин Бешёғочдан холамнинг уйларига етгунча шу даражада боши берк тор кўчалар кўп эдики, баъзан адашиб, бошқа маҳаллага ўтиб кетиш ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун саккиз-тўққиз ёшга чиққунимча бир ўзимни юборишмасди. Кўпроқ холам ё Қори поччамнинг ўзлари олиб кетишарди. Ойим узоқ-яқин қариндошларникига кам борардилар. Борсалар ҳам, ярим кунга, узоғи билан бир кунга борардилар. Ёш болаларни, сизир-бузоқни ташлаб кетолмасдилар.

Холамникига боришни қанчалик истамай, мен ҳам икки кундан зиёд туролмасдим. Ҳовлилари кичкина эди. Бу ҳам майли. Чор-атрофдан ҳовлини ўраган иморатлар икки-уч қаватли, болахоналик бўлгани учун кичкина ҳовли худди ўрага ўхшарди. Офтоб кам тушадиган, доимо салқин, зах ҳовлида Қори поччам ажойиб бир усталик билан сира кул туширмай, ҳар донаси олтиндек сарғайиб, шира бойлаб, тилни ёрадиган узум етиштирардилар.

(Давоми келгуси сонда)

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Айниқса, банклар томонидан имтиёзли асосларда ажратилаётган кредит маблағлар тадбиркорлар ўз фаолиятини ривожлантириш, янги ишчи ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Гап кредит маблағи ҳақида кетаркан, шуни айтиш керакки, банклар ажратаётган кредит ҳада эмас, балки ундан муайян муддат оқилона фойдаланиб, сўнг банкка қайтарилиши шарт бўлган маблағдир.

Бошқача айтганда, банк томонидан ажратилаётган кредит маблағи ҳар бир тадбиркордан алоҳида масъулият, омилкорлик ва ҳалоллик талаб қилади.

Бундай дейишдан мақсад шуки, ҳаётда бу борада омилкорлик ва масъулиятни унутиб қўйиб, банклар олдида қарздор бўлиб қолган тадбиркорлар ҳам учраб туради.

Масалан, Хоразм вилоятидаги “ЕКО PROM” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ҳам бундан 5 йил муқаддам “Ҳамкорбанк”дан кредит маблағи олади.

2020 йил 10 мартда банк ва “ЕКО PROM” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 78-сонли кредит шартномаси имзоланади. Кредит таъминоти сифатида эса, шу куни “Ҳамкорбанк”, “ЕКО PROM” ҳамда “AVTO GAZ SERVIS” масъулияти чекланган жамиятлари ўртасида 78-сонли кафиллик шартномаси ҳам имзоланади. Натжидада “ЕКО PROM” масъулияти чеклан-



ган жамиятига бетон ва газобетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиш учун 60 ой муддатга, йиллик 9 фоиз устам тўлаш шарти билан 157.079 АҚШ долларини миқдорида кредит ажратилади. Юқоридаги кафиллик шартномасига асосан “AVTO GAZ SERVIS” масъулияти чекланган жамияти банк олдида 1 миллиард 600 миллион сўмлик солидар мажбуриятни зиммасига олади.

Аммо қарздор — “ЕКО PROM” масъулияти чекланган жамияти кредит мажбуриятига масъулиятсизлик билан қарайди, оқибатда 2024 йилга келиб, кредит фоизлари ва асосий қарзларини ўз вақтида тўламай қўяди. Оқибатда 2024 йил 20 ноябрдан 2025 йил 11 мартга қадар банк томонидан кафил — “AVTO GAZ SERVIS” масъулияти чекланган жамияти ҳисоб рақамидан

жами 273 миллион 350 минг сўм маблағ ундириб олинади.

Ўз навбатида, “AVTO GAZ SERVIS” масъулияти чекланган жамияти кафиллик шартномаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзидан ундириб олинган маблағни тўлаб беришни сўраб, “ЕКО PROM” масъулияти чекланган жамиятга талабнома юборади. Бироқ жавобгар бу талабномани жавобсиз қолдиради.

Конституцияимизнинг 55-моддасида “**Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади**” дея қайд этилган. Шу боис, “AVTO GAZ SERVIS” масъулияти чеклан-

ган жамияти Урганч туманларо иқтисодий судига даъво ариза киритди.

Фуқаролик кодексининг 292-моддасига асосан, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўлиқ ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Кодекснинг 295-моддасида эса, мажбуриятни бажарган кафилга кредитнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтиши, кафил кредиторга тўланган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарини тўлашни қарздордан талаб қилишга ҳақли эканлиги бел-

гиланган.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий судга мурожаат қилишда “AVTO GAZ SERVIS” масъулияти чекланган жамияти “Жуманиёзов Якубой” адвокатлик бюросининг ҳуқуқий ёрдамига таянган. Яъни 2025 йил 18 апрелда даъвогар ва адвокат ўртасида юридик хизмат кўрсатиш хусусида 17-сонли шартнома тузилиб, бунинг учун масъулияти чекланган жамият 3 миллион сўм маблағ тўлаган. Буни 2025 йил 18 апрелдаги тўлов чеки ҳам тасдиқлайди. Ана шу асосларга таянган суд “ЕКО PROM” масъулияти чекланган жамиятдан “AVTO GAZ SERVIS” корхонаси фойдасига 273 миллион 350 минг сўм асосий қарз ҳамда адвокат хизмати учун тўланган 3.000.000 сўмни ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилди.

Бу низоининг тафсилотини баён этишдан мақсад шуки, тадбиркорлик, аввало, ҳар бир шахсдан масъулият талаб қилади. Айниқса, кредит маблағидан фойдаланишда масъулиятни унутиш, амалдаги тартиб-қоидаларга белансизлик билан қараш ҳеч шубҳасиз, тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳолбуки, банк томонидан ажратилган кредит маблағи ҳада эмас. Буни доимо ёдда тутиш лозим.

Музаффар БОБОНАЗАРОВ,
Урганч туманларо иқтисодий суди судьяси

/// Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— **Эшитишимга қараганда, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳам маъмурий жазо турларидан бири ҳисобланар экан. Илтимос, шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз?**

Тўлқин ҚАҲҲОРОВ,
Тошкент шаҳри

— Аввало, маъмурий жазо ҳақида гапирадиган бўлсак, у — маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш жазоси бошқа жазо турларига нисбатан кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Бу жазо тури Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 281-моддасида белгиланган бўлиб, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этиш ҳуқуқбузарни ижтимоий фойдалаи жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этишдан иборат бўлиб, у судлар томонидан саккиз соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланади. Агар ҳуқуқбузар ўқибган бўлса, жамоат ишлари ўқишдан бўш вақтда бажарилиши кўзда тутилган.

Ҳуқуқбузарлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари

ушбу жазонинг ижросини назорат қилувчи ички органларининг пробация бўлинмалари томонидан белгиланади. Ушбу жазо тури пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агарда ҳуқуқбузар жазони ўташдан бўйин товласа, суд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ўталмаган муддатини ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тўрт соати учун маъмурий қамоқнинг бир кунига тенг жазо билан ёхуд ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг саккиз соати учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига тенг жарима билан алмаштиради. Бунда маъмурий қамоқнинг муддати ўн беш суткадан, жариманинг миқдори эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ошиб кетмаслиги керак.

Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

— **Айтинг-чи, амалдаги қонунда фарзанд тарбияси, унга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?**

Валижон ҚОДИРОВ,
Чуст тумани

— Саволингизга жавобан шуни айтиш жоизки, ҳақиқатан ҳам, ҳаётда бола тарбиясига эътиборсизлик қилиш ёки уларни таълим олишлари учун тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраб туради. Бундай ҳолатлар ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, қонунчиликда тегишли жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига биноан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш барава-ригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир

йил давомида такроран содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланилади.

Бундан ташқари болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунарта таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш ҳам тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. Бундай ҳаракатлар базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга, агарда бу турдаги ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманларо суди судьяси Элнора Баллиева жавоб берди.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликаҳон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3000
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.